



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

HAQIQAT

Газета 1934 йил январдан чиқа бошлаган * ижтимоий-сиёсий газета * 27 январь 2024 йил №2-3 (8752)

● Маҳалла ҳаёти

ЯНГИ ҲАЁТДА ИШЛАР ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Шу кунларда “Обод маҳалла-обод кўча – обод хонадон” давлат дастури доирасида Янги ҳаёт маҳалласида аҳолини қулай шароитларда яшашлари учун қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман электр таъминоти корхонаси ишчи ходимлари томонидан “Булоқ” кўчасида электр энергияси сифатини яхшилаш мақсадида бетон таянчлар ўрнатилиб, туман автомобиль йўлларини таъмирлаш бўлими ишчи ходимлари томонидан ички кўчаларни шағаллаштириш ва шебенлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Куни кеча “Обод маҳалла-обод кўча – обод хонадон” давлат дастури бўйича вилоятимиз бўйлаб танлаб олинган 4 та маҳаллада амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари жараёнлари билан танишиш мақсадида вилоятимизда бўлиб турган Республика ишчи гуруҳининг Андижон вилоятига бириктирилган вакили Б.Парпиев Янги ҳаёт маҳалласида амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган ишлар билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди. Мартабали меҳмон маҳаллада аҳоли турмуш тарзи, бандлиги ҳамда даромад манбаалари билан қизикди. Шунингдек ижтимоий қўллаб-қуватлашга муҳтож қатлам билан аниқ манзилли ишлаш юзасидан бу ерда ҳозир бўлган масъулларга ўз тавсия ва кўрсатмаларини берди.

Т.БЕК.



● Тадбир

Ешларни ҳарбий хизматга қизиқтиришда бугун мактаб паргасида ўтириб, умумий ўрта таълим олаётган

ция беради. Н-ҳарбий қисм зобити катта лейтенант Ш.Ғаниев Хўжаобод туманининг Тўраобод маҳалласи ҳудудида жойлашган 22-умумий ўрта таълим мактабида чакириккача

УЧРАШУВ ЎҚУВЧИЛАРГА МОТИВАЦИЯ БЕРДИ

ўқувчиларнинг ҳарбий хизматчилар билан тез-тез учрашиб туриши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳарбий кийим эгаси суҳбатдошига хизматдаги шароитлар, ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касб эгаси бўлишнинг масъулияти ҳақида юзма-юз суҳбатларда шижоат билан гапириб беради. Бу эса катта ҳаёт остонасида турган бугунги ўқувчига катта матива-

бўлган юқори синф ўқувчилари билан ўтказган маърифий тадбирини ана шундай муҳим учрашувлардан бири деса бўлади. учрашувда таълим фахрийси А. Жўраев ҳам иштирок этиб, ватан ҳимоячиси бўлишлик қанчалик шараф эканлиги ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.

Ш.ҒАНИЕВ

КЕНГАШДА ҲИСОБОТ ТИНГЛАНДИ

“Нуроний” жамғармаси Хўжаобод туман бўлимида унинг ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан жамғарма бўлимининг 2023 йил давомида олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Таъкидландики, ўз сафига 10613 нафар нуронийларни, жумладан 4254 нафар отахонлар ҳамда 6359 нафар онахонларни бирлаштирган ушбу тузилма ўтган йили 180 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларнинг муаммоларини ўрганиб, улардан 112 нафарини дам олиш ва даволаниш учун “Беш чашма” сихатгоҳига ҳамда 8 нафарини “Бобур”

сихатгоҳига юборган.

Бундан ташқари ўтган йилнинг август ойида 10613 нафар нуронийнинг барчаси тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган. Улардан 2987 нафари амбулатор, 26 нафари туман ва вилоят шифохоналарида даволанишга юборилган. 6 нафарига қўлтиқ таёк, 2 нафарига эшитиш мосламаси, 7 нафарига ногиронлик аравачаси ва бошқа реабилитация воситалари берилган. Ўзгалар парваришига муҳтож 102 нафар кексалар хонадонига 245 нафар ёш волонтирлар бириктирилиб, яшаш ва бошқа ижтимоий ҳолатларидан хабар олиб турилган. Йил давомида

● Фаолият

Наврўз, Мустақиллик байрамларида, Рўза ва Қурбон ҳайити байрами кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларга жами 31 миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилган.

Кенгаш аъзолари олдида жамғарма фаолияти бўйича ҳисобот берган жамғарма туман бўлими раиси Зокиржон Мамадалиев 2024 йилда олиб бориладиган фаолият юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Кенгаш аъзоларидан А.Ҳолматов, М.Худойбердиева, А.Розиқовлар ҳам сўзга чиқиб, жамғарма туман бўлими фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Н.ТОШТЕМИРОВА,
“Ҳақиқат” мухбири.

30 январь – Биринчи Президент Ислом Каримов таваллуд топган кун

ХОТИРАСИ УНУТИЛМАЙДИ

Инсоният яралибдики, оила билан тирик. Оила инсоният давомийлигини таъминлайди. Оила бошлиғи – ота эса хонадони тинчлиги, рўзгорининг бутлиги, фарзандларининг бахт-у камоллини таъминлаш учун ҳаракат қилиши ажодлардан авлодларга меросдир. Агар жамиятни, таъбир жоиз бўлса, бутун мамлакатимиз халқини бир оила, деб олсак, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ана шу оиланинг отаси бўлган эди, дея фахр билан айта оламиз. Чунки, халқимиз унинг бошчилигида Мустақилликни қўлга киритди, ўзлигини қайта таниди, миллий, диний қадриятларини тиклади.

Буларнинг барчаси тинч йўл билан, доно ва оқилона сиёсат билан амалга оширилди. Ваҳоланки, Ислом Каримов дастлаб мамлакатимиз раҳбари бўлган пайтда республикаимиз фуқаролар уруши, қон тўкиш, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Ана шу ўта оғир даврда воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга, иродали ва қатъиятли инсон халқимиз ва мамлакатимизни юз бериши мумкин бўлган ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Тарих ва тақдирнинг бундай синовларидан халқи ва давлатини беталофат олиб ўтган раҳбар ўзининг мардлиги, букилмас ирода эгаси эканлиги, содир бўлаётган фавқуллодда мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини давлат манфаатлари нуктаи назаридан кўра олиши, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юртодошининг тақдири учун алоҳида масъулиятни ҳис эта олиши билан халқнинг чексиз ишончи ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Бу ишонч ўз тақдирини, фарзандлар келажagini, юрт тинчлиги ва Ватан ободлигини ўйлаган халқимизнинг 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида мутлақ кўпчилик овоз билан Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайлаганида ҳам намоён бўлди, десак асло янглишмаган бўламиз. Чорак аср, яъни, 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очик фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбобининг обрў-эътибори мамлакатимизда ва халқаро майдонда янада юксалди. Бу юксак обрў-эътиборга Ислом Каримов Ўзбекистон халқининг ҳар бир вақилини чин юракдан яхши кўриши, миллатлараро тотувлик мухитини яратгани ва бу масалага доимо юксак даражада эътибор қаратгани, юздан зиёд миллатни бир байроқ остига бирлаштириб бир мақсад сари бошлагани, мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳамжихатликни мустаҳкамлагани туфайли эришди. У кишининг “Ўзбекистон – умумий уйимиз!” деган даъвати авлодлардан-авлодларга тинчлик шиори тарикасида ўтиб боргусидир.

Биринчи Юртбошимиз ташаббуслари билан ўртага ташланган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” шиори халқимиз ўртасида миллий истиқлол ғояси сифатида қабул қилинди. Йиллар давомида бу ғояга содиқлик билан кенг қўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширган меҳнаткаш халқимизнинг Ислом Каримов бошчилигидаги саъй ҳаракатлари натижасида шаҳар ва қиш лоқларимиз замонавий

киёфа касб этди, ишлаб чиқариш корхоналари, илм-фан, маданият, санъат ва спорт қўшоналари барпо этилди, аҳоли фаровонлиги юксалди. Жумладан, юртимизда, унинг бир бўлаги бўлган Хўжабод туманида мустақиллик йилларида таълим соҳасига юксак эътибор қаратилди. Тумандаги мавжуд ҳар бир таълим-тарбия муассасалари бинолари таъмирланди, янгидан қурилди ёки капитал реконструкция қилинди. Бугун юртимизда бирон бир ўқув муассасаси йўқки, спорт заллари, майдонлари ва жиҳозлари билан таъминланмаган бўлсин. Баркамол авлод тарбиясига берилган бундай эътибор халқимизни,



Ватанимизни дунёга танитди. Ўтган йилги Бразилияда бўлиб ўтган XXXI Ёзги олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари эришган ғалабалар бунинг ёрқин исботидир.

Эндиликда туман, шаҳар ва қишлоқларига кўрк ва тароват бахш этиб турган намунавий уй-жойлардан иборат кўчалар ва уларда истиқомат қилаётган минглаб ватандошларимиз ўзларининг фаровон турмушлари бевосита Биринчи Юртбошимиз ташаббуслари билан боғлиқ эканлигини ҳеч қачон унутмайдилар. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида ташкил этилган “Шошилинч тиббий ёрдам” марказлари ва бу марказларнинг замонавий диагностика ҳамда даволаш воситалари билан таъминланганлиги сабабли минглаб-миллионлаб ҳамюртларимизнинг азиз жонлари сақлаб қолинаётганлиги Буюк Инсондан умрбод миннатдор бўлишимизга арзийди. Бугун туман Марказий кўп тармоқли поликлиникасига дардига даво излаб келаятган беморлар нафақат даво топанликларидан, балки, ўзлари учун шундай муҳташам бинони барпо этиб, умумхалқ фойдаланиши учун бериб қўйган давлат ва ҳукумат раҳбарларига, хусусан, Биринчи Президентимизга чин кўнгилдан “Раҳмат!” демокдалар.

Ислом Каримов иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрнинг қатъий тарафдори эди. Айнан шунинг учун ҳам Биринчи Юртбошимиз томонидан машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб эътироф этилган Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу амалиётларнинг туб негизида “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган стратегик йўналишни амалга ошириш мақсади ётган эди ва ўтган чорак

қўйилишини эслаб ўтмаслик, асло мумкин эмас. Бу воқеа айрим халқаро таҳлилчилар томонидан “Ўзбекистон халқи ўз Юртбошиси раҳнамолигида айрим давлатлар юз йиллар давомида амалга оширолмаган ишларни қисқа муддатларда бажариб қўйди!” дея ҳолис баҳоланди.

Қишлоқ хўжалигидаги чуқур ўзгаришларни амалга оширган, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи – фермерлик ҳаракатини шакллантиришда ташкилотчилик қилган, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони сифатида республикаимиз мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашга қодир миллий армиямизни шакллантирган, нафақат юртимизда, балки, Марказий Осиёда, шунингдек, бутун дунёда тинчликни сақлашга улкан ҳисса қўшган Буюк Сиёсатчи бизнинг Биринчи Юртбошимиз Ислом Каримов бўлганлигидан фахрланамиз.

Ислом Каримов юртни ўзидан кейин ҳам халқ манфаатларига, мустақиллик ғояларига садоқатли инсон бошқаришини қўзлаб, муносиб ворис тайёрлаб қетгани унинг ҳақиқатан ҳам Буюк Инсон ва Буюк Устоз, Буюк давлат арбоби бўлганлигини яна бир бор исботлайди. Узок йиллар Ислом Каримов билан ёнма-ён меҳнат қилиб, устоз тарбиясини олган Шавкат Мирзиёев халқимиз қутган ва орзу қилганидек давлат раҳбари сифатида фаолият олиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамыз” деган фикрларини эндиликда оғишмай амалга оширилаяётганини халқимиз мамнуният билан қабул қилмокда. Кейинги ойларда қабул қилинган Президент Фармонлари, Қарорлар ва Қонунлар халқчиллиги билан, инсонпарварлик ва демократик тамойилларга тўлиқ жавоб бериши билан, уларнинг ижроси юзасидан мукамал назорат механизми яратилиши билан бу фикрларни тўла-тўқис тасдиқламокда.

Биз – бугунги ёш авлод вакиллари Биринчи Президентимиз амалга оширган ислохотлардан озми-кўпми хабардорлигимиз қалбимизни чексиз ифтихор туйғулари билан тўлдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таваллуд айёми ҳар йили кенг нишонланиши диёримизда яшаб-меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг кўнглидаги гап бўлди. Чунки, миннатдор Ўзбекистон халқи, унинг ҳар бир фарзанди Ислом Каримовнинг ўзига бўлган оталарча ғамхўрлиги, оталарча меҳрини ҳеч қачон унутмайди.

Рушана РЎЗАБОВЕВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Босма ОАВ ва нашрлик иши факультетининг ҳарбий журналистика йўналиши 1-босқич талабаси.



ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАР

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолининг медиа саводхонлигини ошириш, давлатнинг турли ахборий хуружлар ва кибержиноятчиликка қарши курашиш салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Аслида, юқори медиасаводхонлик турли ноҳолис, манипуляция ахборотларга қарши чидамли бўлишнинг энг ишончли, мақбул ечимидир. Ноҳолис ахборотга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш эса ҳақиқий ахборот таъминоти билангина амалга оширилади. Ахборот маконидаги истеъмол маданиятини юксалтириш учун медиа маҳсулотлар сифатини яхшилаш зарур.

Демак, давлат медиа макондаги барқарорликни таъминлаш учун, аввало, медиаматериаллар сифатини юксалтиришга эътибор бериши керак. Бу эса, ўз навбатида, қатор вазифалар амалга оширилишини назарда тутди.

Аввало, “яхши ишлаб чиқарувчидан яхши маҳсулот” мантиғига кўра, ОАВ тахририятлари салоҳияти юксалтирилиши, хусусан, малакали кадрлар, замонавий техника, молиявий барқарорлик таъминланиши даркор.

Жамоатчиликни ишончли ахборот билан таъминлашда даврий босма нашрлар энг мақбул танлов бўлиши мумкин. Тўғри, бу гапга жавобан, “нашрларнинг адади кам”, “ким ўқийди ҳозир газеталарни” каби муносабатлар айтилиши табиий. Лекин уларнинг барча медиаманзиллардаги имкониятини яхшиласакчи, деган фикрни ҳам ўйлаб кўриш зарар қилмайди.

Бундан ташқари, бугун инсонларнинг мобил қурилмаларга боғланиб қолиши натижасида келиб чиқадиган зарар ва турли хатарлар жиддий ташвиш туғдираётгани сир эмас. Жумладан, ижтимоий тармоқда эълон қилинаётган огоҳликка даъват этувчи материалларда ҳам гаджетларга қарамликнинг зиёни, бундай кишиларнинг миёсидаги биокимёвий ўзгаришлар гиёҳвандлик давридаги ўзгаришлар билан бир хил бўлиши ҳақида маълумот берилмоқда.

Даврий босма нашрлар мутолааси эса мутлақо зиён ва хатарлардан ҳолидир. Бундан ташқари, мутолаанинг инсон хотирасини мустаҳкамлаб, тафаккурни ривожлантириши, сўз бойлигини ошириши, одамлар билан мулоқотни яхшилаши, ўзига бўлган ишончни кучайтириши, уйқуни яхшилаши ва асаб тизимини мустаҳкамлаши каби қатор фойдалари исботланган. Ҳаттоки илмий тадқиқотлар мутолааси альцгеймер касаллигидан сақланишда ҳам фойда беришини кўрсатган.

Масаланинг сиёсий аҳамиятига қайтайлик. Давлат ўз миллий матбуотини ривожлантириш орқали миллий медиа макондаги сифатни яхшилаши, аҳолининг медиа саводхонлигини ошириши, шунингдек, ташқи кучларнинг ахборот хуружларига қарши кураша оладиган қудратли медиа армияни шакллантириши мумкин.

Бунинг учун муассисларнинг нашрлар олдидаги мажбуриятларини бажариши борасидаги масъулиятини кучайтириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ом-



мавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунда оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши муассиснинг мажбуриятларидан бири сифатида қайд этилган. Шунингдек, Президентнинг 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сонли қарорида муассислар ўзларига қарашли тахририятларни молиявий қўллаб-қувватлаши, малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда даврий босма нашрларнинг замонавий электрон нусхасини яратиши, интернет билан интеграциялашуви учун зарур ёрдам кўрсатиши зарурлиги белгиланган.

Мазкур қонун ва қарор ижроси қанчалик таъминланмоқда? Даврий босма нашрлар ўз муассисларидан етарли эътибор кўряптими? Бу саволларга даврий нашрларнинг бугунги адади орқали жавоб олиш мумкин.

Аслида, даврий нашрлар улкан имконият манбаи бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш давлатнинг, энг аввало, муассис идоранинг медиақувватини ошириш демакдир. Ахборотларни жамоатчиликка етказиш, соҳани ёритишга хизмат қилувчи ихтисослашган профессионал журналистларни тайёрлаш каби мақсадларга айнаган шу эътибор орқали эришиш мумкин.

Сўнгги йилларда “мажбурий обуна”га қарши ҳаракатлар атрофидаги муҳокамалар ҳам жамоатчилик эътиборини тортган мавзулардан бўлди. Лекин, ростини айтганда, буни газета-журналларга қарши ташкиллаштирилган ҳаракат сифатида баҳолай олмайман. Бойси, бир пайтлар қорхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида моддий манфаат эвазига ишчи-ҳодимлар, ўқитувчи ва ўқувчиларни, талабаларни оммавий равишда обунага мажбурлаш авж олгани бор гап. Бироқ, ўша мажбурий тикиштирилган нашрларнинг аксарияти кўнгилочар газеталар эди. Обунадан улуш олиш келишуви асосида ташкил этилган мазкур кампаниялар жамоатчиликнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Таълим тизимига ва бошқа соҳаларга тааллуқли тармоқ нашрлари эса вазият қурбонига айланди. Тўғриси, обуна билан боғлиқ бу ҳолат барча даврий нашрларга салбий таъсир кўрсатди.

Қувонарлиси, қанчалик қийин бўлмасин аста-секин босма нашрлар ўз саҳифаларида долзарб мавзуларга оид яхши мақолалари билан яна ўқувчилар эътиборини, эътирофини қозонишни

уддаламоқда. Лекин уларнинг мавқеини тиклаш, кучли медиа ресурсларга айланиши учун фақатгина тахририятлар ҳаракати камлик қилиши аниқ. Шу мақсадда бугун медиа қўшинимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ошириш учун муассисларнинг эътибор ва қўллаб-қувватлаши сув ва ҳаводек зарур.

Тахририятнинг ривожланиши муассис мавқеини мустаҳкамлаш ва ахборот-тарғибот кампанияси самарадорлигини оширишга хизмат қилишини инобатга олсак, аслида муассис ўзи учун инвестиция киритган ҳисобланади.

Бугунги эҳтиёж ва заруратлар газеталарга ижтимоий лойиҳа сифатида қарашни талаб қилмоқда, десак хато бўлмайди. Газета ва унинг барча ахборот ресурслари муассис, идора, тизим ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишга хизмат қилар экан, бундан, энг аввало, муассис манфаатдор. Унинг имижни, манфаати устуворлик касб этмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ахборот пухта тайёрланган ва ишончли бўлади.

Бу мақсадлар ҳар бир муассис зиммасига ўз наشري тахририятини билимли кадрлар билан бойитиш, мавжуд жаоманинг билим ва касбий кўникмаларини мустаҳкамлаш, муносиб иш ҳақини таъминлаш каби муҳим вазифаларни юклайди. Тахририят обуна ва иш ҳақи каби ташвишлардан буткул халос бўлиши зарур. Натижада жамоа бор куч-ғайрати ва билимини ижодий ишларга сарфлайди. Ҳар бир материали қизиқарли бўлиши учун интилади.

Эътибор ва мададни ҳис этган газета эса мутолаа маданиятини юксалтириш, “кирланмаган” ахборот билан таъминлаш ва бу орқали билимни, кенг дунёқарашга эга, турли манипуляцияларга чидамли жамиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Бугун газета ўқиб, ундан хузур топа биладиган кишилар кўп дея мактанолмаймиз, афсуски. Мутолаа завқидан йироқ жамият эса турли шовшувларга, енгил-елпи кўнгилочар хабарларга ўч бўлиб бораверади.

Мутолаа маданиятини юксалтиришда бадий адабиёт қай даражада катта аҳамият касб этса, матбуот нашрлари ҳам асло ундан кам эмас. Бойси, газета ва журналларда чоп этилаётган яхши материалларни ўқиганингизда муаллифнинг кўплаб китоб ва бошқа манбалар-

дан йиққан ахборотларни жамлагани кўринади. Бу матбуотнинг энг устун жиҳатларидан биридир.

Шу маънода, метро бекатлари, савдо мажмуалари, олий таълим муассасаларида газета расталари ўрнатиш ва ўқувчиларга текин тарқатиш орқали мутолаа маданиятини юксалтириш мумкин.

Албатта, бу ишлар катта маблағ талаб қилади. Лекин сарф этиладиган маблағлар жамият маънавий даражасини юксалтириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлод тафаккурини бойитиш, жамоатчилик назоратини ривожлантириш, шу билан бирга, ахборот хуружларидан химояланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Оммавий ахборот воситаларини сиёсий шарҳловчи ва журналистлар билан таъминловчи амалий мактабга айланиши мумкин. Бундан ташқари, муассис ташкилот тадбирларини ёритиш учун бошқа ОАВлар ёрдамига муҳтожлик қолмайди.

Газеталарнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ривожлантириш орқали ҳам ушбу медиамакондаги савиясизликка қарши самарали курашиш мумкин. Бу борада Касаба уюшмалари федерацияси муассислигидаги “Ishonch” ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг “Zarafshon” газеталарини алоҳида ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Қувонарлиси, бундай нашрлар сафи кенгаймоқда.

Тахририятда маркетинг хизматини йўлга қўйиш, унинг даромад топиш қобилиятини ошириш ҳам устувор вазифалардан биридир. Реклама ва эълонлардан ташқари медиаматериаллар савдоси орқали ёки жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлаётган воқеа-ҳодисалар бўйича экспертлар муносабати билдирилган интервьюлар, долзарб мавзуларга оид шоу дастурлар тайёрлаб телеканалларга пуллаш ёки интернет ресурсларидаги саҳифаларда эълон қилиш орқали даромад топиш мумкин.

Бундан ташқари, газеталар “етказиб бериш хизмати”ни амалга ошириш ботида ҳам яхшигина дастёр бўла олади. Муассис ёки бошқа ташкилотларнинг байрам табриклари, реклама мазмунидаги махсус буклет ва тарқатма материалларини газета ичига жойлаган ҳолда кенг тарқатиш мумкин. Ҳар бир хонадонга кириб борган қутловлар, кўркам ди-зайнга эга реклама хабарномалари халқ билан янада яқин бўлишга, жамоатчиликнинг илиқ муносабатини қозонишга хизмат қилади.

Даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш борасида АҚШда нашрларни етказиб бериш бўйича почта хизмати нархининг чегирма тизими, Германияда солиқ имтиёзи бериш, Исроилда соҳа ҳодимлари малакасини ошириш ва олий таълим олишларини давлат ҳисобидан молиялаштириш, Россия, Туркия ва Қозоғистонда субсидия ажратиш амалиёти мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, газетага кўрсатиладиган эътиборнинг даражаси ундан келадиган самаранинг салмоғини белгилайди.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
журналист.

“Адолат” газетасининг 2024 йил 19
январдаги 3-сонидан олинди



Грипп юкори нафас йўллари яллиғланиши, тана ҳарорати кўтарилиши ва организмнинг умумий заҳарланиши билан кечадиган, жуда тез тарқалиш хусусиятига эга бўлган юқумли касалликдир. Ушбу касалликни вирус кўзгатади.

Грипп вируслари ташқи муҳитга чидамсиз. Қиздирилганда ва қайнатилганда, хона шароитида, куёш нури таъсирида тез нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи воситалар (хлорли оҳак, хлорамин, гипохлорид кальций ва бошқалар) таъсирида бир зумда ҳалок бўлади. Паст ҳароратда вируслар узоқ вақт давомида тирик сақланади. Грипп вирусларини тарқатувчи манба -беморлар ҳисобланади. Ушбу касалликда вирус ташувчанлик шаклланмайди. Шу сабабли гриппга чалинган бемор касалликнинг ягона манбаи ҳисобланади. Грипп касаллигида вируслар соғлом одамларга бевосита кўрпа-тўшакдан, сочик, идиш-товоқ, пиёла, қошиқ-санчки, камдан-кам ҳолларда ўйинчоқлардан юкиши мумкин. Касаллик соғлом одамларга ҳаво-томчи йўли билан юкади.

Бемор йўталганда, аксирганда, ҳаттоки нафас чиқарганда, гаплашганда, атроф-муҳитга кўп миқдордаги вирусларни тарқатади. Вируслар билан зарарланган ҳаводан нафас олган соғлом кишилар ҳасталикни юктириб олади. Бемор касалликнинг яширин даврида ва бошлангандан кейин, бир неча кун (ўртача 4-5 кун) мобайнида юқумли бўлади. Касаллик беморнинг фақат юкори нафас йўллари орқали юкади.

Ҳасталикнинг яширин даври 12 соатдан 3 кунгача, ўртача 1-2 кун давом этади. Касаллик тўсатдан бошланади. Соппа-соғ юрган одам бирданига мазаси қочиб, аъзои-бадани увишиб, тана ҳарорати кўтариледи. Орадан 1-2 соат чамаси вақт ўтгач, касалликнинг бошқа аломатлари юзага чиқади. Тана ҳарорати кўтарилиб, бемор совуққотади, қаттирайди. Боши ва қўл-оёқлари, мушаклари зирқираб оғрийди. Бемор ўзини ёмон ҳис этади.

ЮҚУМЛИ ВА ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!



Организмнинг заҳарланиши кучаяди. Бошнинг пешона ва чакка соҳасида, кўз сокқасида оғриқ пайдо бўлади. Бурун битиб, нафас олиш қийинлашади, бурундан ажралма чиқади, иштаҳа ёмонлашади. Бемор кўп терлаб, умумий ҳолсизлик кузатилади.

Ушбу касаллик, айниқса, болалар ва қарияларда оғир кечади. Гриппга чалинган болаларда ҳам касаллик аломатларининг барчаси кузатилади. Бола инжиқ, йиғлоқи бўлиб қолади. Касаллик авжига чикканда бола алаҳсирайди, талвасага тушади, кусади. Бурун-лаб соҳаси бўзариб кўкимтир тус олади, юзи қизаради. Иштаҳа бузилиб, ҳеч нарса емай қўяди. Касалликда асорат қайд этилмаса, 2-3-кунни тана ҳарорати меъёрига тушади. Касаллик аломатлари 5-6-кунга бориб аста-секин йўқола бошлайди. Аксарият ҳолларда ка-

салликнинг айрим белгилари 7-10 кунгача ҳам сақланиб туриши мумкин. Грипп касаллиги енгил, ўрта оғир, оғир ва ўта оғир шаклларда кечади. Касалликнинг ўта оғир шакли баъзи ҳолатларда ўлим билан якунланади. Касаллик ўздан асоратлар қолдиради. Ҳасталикдан кейин беморда менингит (мия пардаси яллиғланиши), отит (ўрта кулоқ яллиғланиши), бронхит (бронх йўллари яллиғланиши), зотилжам (ўпка тўқимаси яллиғланиши) ва бошқа бир қатор асоратлар қолдиради. Баъзилар бу касалликка етарли эътибор бермасдан, уни "оёқда" ўтказди, ўзбошимчалик қилиб даволанади. Бу эса юқорида кўрсатилган асоратларга ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Агар оила аъзоларидан бирида грипп касаллиги аломатлари пайдо бўла бошла-

са, уни боғчага, мактабга, ўқув юртлари-га ва ишга юбормаслик керак. Беморни уйда алоҳида, яъни изоляция қилиш касалликни тез ва асоратсиз даволашда энг муҳим чора-тадбирлардандир. Беморни алоҳида хонага ётқизиш, зудлик билан уйга ҳудудий поликлиника ёки бошқа хизмат кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаларидан шифокор чақириш керак. Унга кўп миқдорда турли хил суюқликлар (лимон чой, мева шарбатлари, наъматак дамламаси, катик, асалли чой) ва енгил ҳазм бўладиган овқатлар керак. Бемор иштаҳаси ва хоҳишига қараб, суюқликлар ва овқатлар бериш лозим. Ҳаста киши фойдаланган сочик, дастрўмолдан бошқалар фойдаланмаслиги зарур. Уларни қайнатиб ювиш, кейин дазмоллаш лозим. Идиш-товоқлар, қошиқ-санчки ва пиёла ҳам бемор томонидан фойдаланилгач, дарҳол қайнатилиши керак. Бемор қатъиян врач тавсиялари асосида даволанса, гриппдан тез ва асоратсиз тузалиб кетади.

Соғлом турмуш тарзига эътибор бериш, хусусан кун тартиби ва иш режими-га риоя қилиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, сув муолажалари билан танани чиниктириб бориш, тўғри овқатланиш, очик ҳавода сайр қилиш, грипп касаллигидан сақланишда муҳим аҳамият касб этади. Грипп касаллигининг олдини олишда, касалликка қарши эмлашнинг ҳам аҳамияти катта. Ҳозирги кунда яхши самара берадиган бир қатор вакциналар амалиётда қўлланилаяпти. Гриппга қарши эмлатиш, шифокорлар тавсиясига қўра амалга оширилгани маъқул. Бу касалликка чалиниб, даволанишдан кўра, унинг олдини олган афзал. Хавфли ва жиддий асоратлар қолдирадиган гриппдан сақланиш, биринчи навбатда ҳар бир кишининг ўзига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак

Сардорбек АСҚАРОВ,
туман тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи.

Билиб қўйган яхши...

Дори қачон фойда қилади?



МУДДАТИ ЎТГАН ДОРИ-ЯРОҚСИЗ

Яроқлилиқ муддати ўтган дорилар таркибида тузатиб бўлмас салбий таъсирларни келтириб чиқарувчи хусусиятлар пайдо бўлади. Айниқса, бу дорилар уй шароитида сақланган бўлса, уларни авайлаб ўтирмасдан, дарҳол ташлаб юборинг.

ДОРИГА КўНИКИБ ҚОЛИШ ОҚИБАТИ

Маълум дорини узоқ вақт ичиб юриш оқибатида организмга бу дорининг таъсири сусаяди. Бу "дориға нисбатан организмнинг бағрикенглиги" деб аталади. Дори таъсирини кучайтириш учун миқдорини кўпайтириш ёки шу дорининг ўрнини босадиган бошқа дори ичиш керак

бўлади.

ОВҚАТДАН ОЛДИНМИ ЁКИ КЕЙИН?..

Дори воситаларининг оп-козон-ичак йўлида овқат маҳсулотлари билан алоқада бўлишини ёддан чиқарманг. Шунинг учун ферментларни қатъий равишда овқат билан, зарда қайнашига қарши дорини овқатланишдан 30 дақиқа олдин, аспиринни эса, албатта, овқатдан сўнг ичиш керак.

Барча дориларни мева шарбатлари билан ичиш мумкин эмас, энг яхшиси сув билан ичишдир.

БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТ – ШИФО ОМИЛИ

Дориларни шифокорингиз айтган вақтларда ичишгина соғайиб кетиш омили бўлади.

Суткасиға уч маҳал тавсия қилинган дорини ҳар 8 соатда ичиш керак. Ҳатто ўртада дорининг бир марта ичилмай қолиши даволаниш самарасини йўққа чиқаради. Шунингдек, даволаниш муддатини ўзингизча қисқартириш ёки шифокор тавсия қилган миқдорни камайитириш ҳам қутулган натижани бермайди.

ШИФОКОР ТАВСИЯСИ БИЛАН ИЧИНГ

Дорини шифокор маслаҳати ва рецепти асосида сотиб олинг. Дорихона фармацевтлари тавсиясига қўра ичилган дори кўпинча таъсир қилмайди. Нега? Чунки, бош, томоқ, қорин ва бошқа органлардаги оғриқ сабабларини шифокор аниқлайди ва шунга қарши дори ёзиб беради. Дорихоначи эса бу касалликлар сабабини аниқ айта олишига ҳеч ким қафолат беролмайди.

БАЛИҚ МОЙИНИНГ ҲОСИЯТИ

Балиқ мойи кўз қувватини оширадиган А витаминига ҳамда суяк ва бўғинларни мустаҳкамлайдиган Д витаминига жуда бойдир. Шунингдек, балиқ мойида ёш болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида муҳим ўрин тутадиган омега – 3 мой кислотаси жуда ҳам кўп. Серҳаракат болаларга, айниқса, жуда фойдали.

Балиқ мойини болага йилига уч марта бир ойдан ичириш тавсия қилинади.

Иммунитетни оширувчи сабзи шарбати

Сабзи шарбати ўзининг ширин таъми билан бошқа сабзавотли шарбатлардан ажралиб туради. У витаминларга бой бўлиб, инсон организмни А дармондориси билан етарли миқдорда таъминлайди. Сабзи шарбатининг ноёб хусусиятларидан бири шундаки, у бир қанча касалликларни даволашда ёрдам беради. Булардан бири, атеросклероз, бўқок, миокард инфаркти, буйракда туз йиғилиши ва дерматит, экзема ва бошқа касалликларни даволашда қони фойда.

Шунингдек, иштаҳани очиб, иммунитетни мустаҳкамлайди, кўриш қобилиятини оширади, жигар, буйрак, бўқок ва тери касалликларида сабзи шарбати фойдалидир. Сабзи шарбати ёшлик эликсир деб ҳам номланади. Ҳафтада икки марта сабзи шарбати истеъмол қилиш, организмни инфекцияларга қарши химоя кучини оширади, иштаҳани яхшилаб, кўриш қобилиятини маромига келтиради. Терини таранглаштириб, рангни тиниклаштиради.

Таркибида бир қанча микро-элементлар, бета-каротин, В гуруҳга мансуб витаминлар, флавоноид, ферментлар, минерал туз, калий, магний, цинк, йод,



барий мавжуд. Шу билан бирга, сабзи таркибидаги А дармондориси организмни касалликларга қарши химоя кучини оширади.

Сабзи шарбатини ёш болаларга бериш мумкинми? Шу каби саволлар ёш оналарни қизиқтириши табиий. Шифокорларнинг таъкидлашича, гўдак учун сабзи шарбати ниҳоятда фойдали бўлиб, боланинг суяк тизими ривожланишига ижобий таъсир қилар экан. Сабзи таркибидаги Д витамини бола суякларини ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Агар фарзандингизга сабзи шарбатининг таъми ёқмас, ундай ҳолда сабзи билан олма шарбатини аралаштириб беринг. Шунда таъм уйғуниги фарзандингизга ёқиб қолмас.

А.ҒАНИЕВ тайёрлади.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

HAQIQAT

Ўзбекистон - умумий уйимиз

№2-3 (8752)

27 январь 2024 йил

5

ЖАННАТМАКОН ЮРТДА ЯШАЁТГАНЛАР
(2-мақола)

БИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ



Оқий амаки Асанов уруш бошланган 1941 йилда 13 ёшли ўспирин бола эди. У оғир ва дахшатга тўла тўрт йиллик вайронкор жаҳон уруши оқибатларини ўз кўзи билан кўрган ва бола боши билан мурғак кўнглида тинч ҳаётни кунутун ўйлаган минглаб кримтатар миллатига мансуб фуқароларнинг - 1944 йил баҳорида собиқ иттифокнинг бошқа ҳудудларига ўз яшаш жойидан мажбуран кўчирилган айбсиз айбдорларнинг фарзандларидан бири эди.

Ўша пайитлари ўспирин ёшида машғум жараёнлар иштирокчиси, гувоҳи бўлган бу жафокашлар ўз ота-оналари, қариндошлари билан куёшли Ўзбекистондан кўним топиб яшашга мажбур бўлганлар. Уларни уруш туфайли иқтисодий жиҳатдан қийналиб яшаётган ва шу уруш туфайли барча қатори тенг жабр кўрган Ўзбекистонга депортация қилинишининг аниқ мақсадлари бор эди. Чунки, уруш туфайли собиқ иттифок ўз манфаатлари йўлида Қримни кримтатарлардан бутунлай тозалаш ва у ерни бутун дунё бўйлаб сочилиб кетган яҳудийларга ватан қилиш истагида бўлганди. Афсуски, тарихнинг бу ҳақиқати кейинроқ очиқланди. Лекин Қримга яҳудийлар эмас, балки руслар ва украинлар жойлаштирилди...

Ҳа, Ўзбекистоннинг бағрикенг ва меҳмондўст халқи оғир шароитларда ноинсоний муносабатлар билан келтириб ташланган айбсиз айбдорларни кўксидан итармай, уларни ўзларига келиб олишлари учун маълум вақтга қадар уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак каби кунлик ҳаётини эҳтиёжлардан қизғонмай иссиқ бағрига олишларига собиқ иттифокнинг казо-казолари астойдил ишонганликларни учун кримтатарларни қуёшли диёрга жўнатишганди.

Уруш тугаб, тикланиш йиллари бошлангач, Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келтирилган кримтатар миллатига мансуб фуқароларга меҳнат қилиш, уй-жой қуриш, ўқиш каби

ижтимоий масалалар ечими ижобий йўлга қўйилади. Қалбида жароҳат билан яшаётган жабирдийда инсонлар енгил тин олиб, хотиржам ҳаёт кечирishга шўнғийдилар. Ўзбеклар билан тили ва дини ҳамохан бўлган туркизабон кримтатарлар Ўзбекистонни қайси ҳудудида яшамасин туб аҳоли билан биргаликда тикланиш йилларида ҳалол меҳнат қилдилар, қийинчиликларга биргаликда дош бериб яшадилар.

Очеркимиз қаҳрамони Оқий амаки ҳам ўзи яшаётган Шаҳрихонсой маҳалласида улғайиб, ўзлари билан бирга депортация қилинган Музияна исмли қиз билан оила қуради. Уларнинг биринчи фарзанди Илёсбек 1956 йилда, иккинчи фарзанди Музейкир 1961 йилда, учинчи фарзанди Гулнорахон 1963 йилда ва кенжаси Мансурбек 1965 йилда дунёга келади. Улар шу ердаги болалар боғчасида тарбияланиб, шу ердги 19-умумий ўрта таълим мактабида ўрта маълумотини олдилар. Улғайиб, ҳаммаси ўз ҳаёти билан бўлиб кетди. Масалан, катта ўғиллар Илёсбек, Музейкир ва қизи Гулнорахонлар оилалари билан ҳозирда Россия Федерациясининг Симферопол шаҳрида истиқомат қилади. Улар 1990 йиллар бошида ўз она юртига қайтиш имконияти бўлганида кўчиб кетганлар.

Аммо, ҳаётининг оғир кунларида корига яраган Ўзбекистонни Оқий амаки, унинг турмуш ўртоғи Музияна она ва оиланинг кенжа фарзанди Мансурбеклар ташлаб кетмадилар. Оқий амаки собиқ Хўжаобод пахта тозалаш заводида электрик бўлиб ишлаб, пенсияга чиқди. Музияна она эса уй бекаси сифатида аввал фарзандлар тарбияси билан банд бўлди. Оила боши маҳалла-қўй издиҳомларидан, тўй-тўкинларидан қолмади. Кексаликни шу ердаги “Юсуфчек” масжидида оиласига, маҳалласига, Ўзбекистонга тинчликни, саломатликни тилаб, намозларида дуолар қилиш билан ўтказди. Мен ҳамқишлоғим Оқий

амаки билан ҳар гал суҳбатлашганимда ҳаётининг қора кунларини эслашни истамаганига гувоҳ бўлганман. У киши тақдирига қўниқиб, Ўзбекистонда шу юртнинг фуқароси бўлиб яшаётганидан мамнунлигини кўп такрорларди. Фарзандларидан бири Қримга кетмай шу ерда қолиб оила қуриб, хунар ортидан файзли ҳаёт кечираётганидан кўнгли тўқлигини, ўзи ва оиласи бирга яшаган уйининг чироғи ўчмаслигидан хурсандлигини юзида табассум билан билдирарди.

- Ота-онамни маҳалладагилар ҳурмат қилишарди. Вафот этганларида бутун маҳалла аҳли билан урф-одатларимиз бўйича сўнгги йўлга кузатдик, - дейди ўғли Мансурбек. - Отам беш вақт намозни қанда қилмасди. Ҳалол ишлаб, ҳалол яшади. Отамдаги кўп ҳислатлар менга ҳам ўтган деб ўйлайман. Чунки, мен ҳам отамнинг хунарини эгаллаб кам бўлмадим. Турмуш ўртоғим Ферузахон билан икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказдик. Қизларимни ўзбек йигитлари Жавлонбек ва Нуриллоларга турмушга бердим. Ўғлим Илёсбекни ҳам ўзбек қизи Гулҳаёхон Умаралиева билан оила қурганидан мамнунман. Уларнинг ўғил фарзанди бор. Қизларим Заринахон ва

меҳри ва саховати оқиб туради. Келиним Гулҳаёхон Умаралиева худди ўзимдай тутимли қиз. Озода, саришта тутати уйни. Фарзандим Илёсбек ота хунарини эгаллаган. Отаси каби туманимиздаги тикув-трикотаж фабрикаларида тикув дастгоҳларини созлайди. Оиламиз тинч, невараларимиз улғаймоқда. Ҳаётимиздан мамнунмиз. Қон-қариндошларимиз билан гарчи узокда бўлсада, қондошлик ришталари узилмаган. Улар бизларни тиниб-тинчиб яшаётганимиздан мамнун. Бизлар ҳам уларнинг ўзларидан кўпайиб яшаётганидан хурсандмиз. Меҳмондўст, меҳр-оқибатли Ўзбекистон халқидан ота-оналаримиз яхшилик кўрганини, оқибат топганини кўп гапиришарди. Бизлар - уларнинг бугунги авлодлари падар бузрукворларимизнинг бу миннатдор сўзларини қалбимиз тўрида сақлаймиз...

Шаҳрихонсой маҳалласида депортация туфайли ўз юртидан мажбуран кўчириб келтирилган кримтатар миллатига мансуб Фотима эна фарзандлари Ришат ҳамда Гулнора, Иминэ она турмуш ўртоғи, уруш фахрийси Содик ота билан, Шейиде опа Велиева (бу онахон 19-умумий ўрта таълим мактабида узок йиллар математика фанидан дарс



Заримахонлардан ҳам невараларим бор. Улар бизникига келишганида бағрим тўлиб кетади. Ҳаётимнинг мазмуни улар...

- Менинг отам, - дейди Мансурбекнинг турмуш ўртоғи Ферузахон Асанова, - Жавдодбек Муртазоев ўзбек, онам кримтатар қизи. Оилада тўрт қиз икки ўғил бўлганмиз. Катта опаларим Дилором ва Элмирахонлар ўзбек йигитларига турмушга чиқишган. Улар ҳозир оиласи билан Симферополда яшайдилар. Акаларим оламдан ўтиб кетишган. Назирахон опам Сиддиқова ва мен Ўзбекистонда қолганмиз. Ота-онамиз оламдан ўтиб кетишган. Менинг қонимда икки миллатнинг

берган) турмуш ўртоғи Носир амаки билан, Закис она укаси ва сингиллари билан ахил, иноқ яшашган. Закис она икки йил аввал вафот этди. Унинг сингиллари ҳам вафот этган. Лекин уларнинг изи йўқолмаган. Фарзандлари ва неварачеваралари Ўзбекистонни гуллаб яшнаши учун ҳалол меҳнат қилиб яшаб келишмоқда. Улар Ўзбекистон фуқаролари, Ўзбекистонликлардир.


Толибжон ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
уюшмаси аъзоси.

Суратларда: Оқий амакининг фарзанди Мансурбек турмуш ўртоғи Ферузахон оила аъзолари билан.

**Саҳифа Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгаши ҳузуридаги Жамоат фонди грант лойиҳаси
ва молиявий кўмаги асосида тайёрланди.**

● Карантин огоҳлантиради

Цитрус унли куяси



Бу зарарли хашорат асосан цитрус ўсимликлариغا катта зарар келтиради. Цитрус инли куясининг катталиги 4-5 мм, канотлари кулранг, ингичка, ўткир учли бўлади. Олдинги жуфт каноти 2 та тўқ чизиклар, ўртасида v шаклдаги белгиси ва устида қора доғлари бор. Орқа оёқларининг болдир қисмида қора ўсимта бор. Тухумининг шакли ясси, ранги оқ, узунлиги 0.27 мм келади. Куртининг узунлиги 3.6 мм, ранги яшил кул рангда, боши сарик рангда бўлади. Цитрус инли куясини лимонзорларда учратиш мумкин. Капалаклар баргнинг устига 20 тагача тухум қўяди. Эмбрионал ривожланиши 10 кун давом этади. Куртлар барг ичига кириб 10-20 кунда ривожланади. Куртлар барг орасида илон изи


каби уялар ҳосил қилади ва барг поренхимоси билан озикланиб баргни курилади. Баргда 1 та уя ҳосил қилади, кучли зарарлаганда 2 ёки 3 та ва ундан кўп бўлиши мумкин. Гумбакдан олдин ҳаракатланишдан тўхтайдди. Гумбак сарғиш, кейинчалик тўқ жигаррангга айланади. Гумбаклик даври пилла ичида ўтади. Бир йилда 6-10 тагача авлод беради. Битта авлоднинг ривожланиши учун 38-43 кун керак бўлади. Бу карантин зараркунанда питомниклар ва иссиқхоналардаги цитрус экинларининг ёш кўчатларини зарарлайди.

Кураш чоралари:
1. Кўчат материалларини мунтазам текшириш ва экспертиза қилиш лозим.
2. Зараркунанда тарқалган худудлардан кўчатлар ва қаламчаларини олиб келиш ман этилади.
3. Ҳашорат тарқалган далалардаги кўчатларга фосфор органик препаратлар билан ишлов бериш керак.

**Б.УРАЛОВ,
Ш.МАХМУДОВ,
“Андижон” ТИФ давлат карантин инспекторлари.**

Қизил рангли цитрус канаси

Бугунги кунда цитрус дарахтларининг асосий зараркунандаларидан бири қизил рангли ўргимчаккана ҳисобланади. У ҳосилдорликни 60 фоизини нобуд қилади. Катталиги 0.35-0.45 мм, ранги қизил. Урғочи кана тухумини 50-60 тагача новда, барг ва меваларига қўяди. Кана ўсимликда ривожланаётган вақтда ўсимликдаги моддаларни сўриб озикланади. Натижада барглар бурилиб қўнғир сарик тусга киради ва ингичка ўргимчак иплар билан ўралади. Ўсимликнинг кучли зарарланган барг, новда ва мевалари сарғайиб, юза қисмида тўр ҳосил бўлади ва мева қуриб, тўкилиши мумкин. Кана ўсимликнинг гуллаш даврида зарарлаганда новда ва гуллар мева тугмасдан нобуд бўлади. Бир йилда 15 та авлод беради.



Кураш чоралари:
1. Чет давлатларидан олиб келинадиган цитрус ўсимликлари учун импорт карантин рухсатнома (ИКР) бўлиши шарт.
2. Қаламча ва кўчатлар фумигация қилиниши керак.

**Х.МУҲАММЕДОВ,
М.МЎМИНОВ,
“Бобур” ТИФ давлат карантин инспекторлари.**

Цитрус ғовак ҳосил қилувчи куяси



Бу зараркунанда урғочи капалак канотини ёзганда 4-5 мм, ранги қумуш-симон - оқ рангда бўлади. Баҳор ойида авлод ривожланмайди, лекин капалаклар фаоллашади. Август ойининг бошларига келиб тухумдан куртлар чиқа бошлайди. Капалаклар ёруғсевар, оталаниш даври қисқа бўлади. Оталангандан кейин 6 кунда тухум қўя бошлайди. Тухумини цитрус экинлари гунчалари ёки баргнинг юқоридаги томирларига 200 тагача қўяди ва бу ҳолат эрталаб 7-10 градусгача давом этади. Зараркунанда бир йилда ҳароратга қараб 6-10 та авлод беради. Эмбрионал ривожланиши 9 кун. Барг четининг буралган қисмида ўргимчак пилла ичида гумбакка айланади. Куртлари

баргларда ғовак ҳосил қилади. Натижада барг бужмаяди ва қурийдди. Цитрус ғовак ҳосил қилувчи куяси Хитой, Япония давлатларида цитрус ўсимликларининг энг хавфли зараркунандаси ҳисобланади.

Кураш чоралари:
1. Чет давлатларидан олиб келинадиган цитрус кўчатлар, уруғлар, мевалар учун импорт карантин рухсатномаси (ИКР) ҳамда фитосанитар сертификати бўлиши шарт.
2. Юқоридаги олиб келинган материал ва маҳсулотлар иккиламчи карантин кўригидан ўтказилиши зарур.
3. Ёруғлик туткичлар ёрдамида капалаклар тутилиши керак бўлади.
4. Зарарланган барглар аниқланса, баргларни бир жойга тўплаб ёкиб юбориш лозим.
5. Олиб келинган маҳсулотларни тўлиқ зарарсизлантириш масалаларини карантин инспектори ҳал қилади.

**Т.ОРИТҚОВ,
И.НЎЪМОНЖОНОВ,
“Хонобод” ЎКЧМ давлат карантин инспекторлари.**

Чиннигулнинг бактериал сўлиш касаллиги

Бу касалликни бактериялар тарқатади. Касаллик кўзгатувчи чинни гулни (голланд, туркия) навларини зарарлайди. Поянинг пастки қисмларида узунасига жойлашган ёриқлар ва чуқур яралар ҳосил бўлади, ёш барглар бурилиб кулранг яшил тус олади, ўсимлик илдизлари қурийдди, ўсимликни қўл билан тортганда ўсимлик тупроқда қолади. Поянинг кўндаланг кесмасида ўтказувчи пайчалар қўнғиз тусга киради. Тўқималарда бактериянинг шилимшиқ массаси тўпланади ва пояни сикканда унинг кесилган жойидан оқиб чиқади. Бактериянинг ҳаётчанлиги 2 йил. Бактерия тупроқда, қумда, иссиқхона жиҳозларида сақланади.

Кураш чоралари

1. Бозорларда ва хонадонларда со-тилаётган барча турдаги кўчатлар ва уруғлар давлат карантин инспектори томонидан назоратдан ўтказилиб, уларда фитосанитар сертификати бўлиши лозим.

2. Назорат ишлари ўсимликни гунчалаш даврида амалга оширилади.

3. Кўчатларни ҳар бирини дезинфекция қилиб экиш шарт.

**Д.АЛИМОВ,
“Хонобод” ЎКЧМ давлат карантин инспектори.
Х.ТЕШАБОВ,
“Дўстлик” ЎКЧМ давлат карантин инспектори.**

Хризонтема оқ занг касаллиги

Ҳозирги кунда бу гулнинг ҳар хил навларини чет давлатлардан олиб келиб, катта майдонларга ва иссиқхоналарга экилмоқда. Бу касаллик билан барглар, кам ҳолларда поялар зарарланади. Баргларнинг устки томонида оч-яшил, сарик доғлар пайдо бўлади, натижада қўнғир тус ва ботик шакл олади, доғларнинг қаршисида сўғалчалар ҳосил бўлади. Бу касалликни замбуруғ кўзгатади. Кучли зарарланган барглар сўлийдди, пояда осилиб қолади ва қурийдди. Замбуруғни ривожланиши учун қулай ҳарорат 18-28 градус, касаллик ривожланиши 10 кунгача давом этади. Хризонтема оқ зангасаллик кўзгатувчиси қаламча ва қирқилган гуллар бўлиши мумкин.

Кураш чоралари
1. Импортдан олиб келинадиган гул уруғлари, кўчатлари учун импорт карантин рухсатнома (ИКР) бўлиши талаб этилади.
2. Кўчатларни ҳаммасини тўлиқ за-



рарсизлантирилади.

3. Гул уруғлари эса карантин лабораториясида текшириш учун намуналар олинади.

4. Алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш керак.

5. Зарарланган ўсимликларни бир жойга тўплаб ёкиб юбориш ёки йўқотиш тавсия қилинади.

**Д.АБДУВОҲИДОВ,
У.КАМОЛОВ,
“Дўстлик” ЎКЧМ давлат карантин инспекторлари.**

Капров қўнғизи

Қўнғизнинг узунлиги 1,8-3,0 мм, эркаги бироз кичик. Қўнғизнинг шакли чўзиқ – ясси, боши бир оз пастга томон қайрилган ва сарғиш-қўнғир рангда бўлади. Танаси жигар ранг ёки кул ранг туклар билан қопланган. Мўйловлари 9-11 бўғимли бўлиши мумкин. Қўнғиз учмайди. Зараркунанда ҳамма ривожланиш фазасида тарқалади. Капров қўнғизи куртлари ёриқлар ва дон омбори девори ораллигида қишлаб чиқади. Гумбакни ривожланиши 2-23 кунгача давом этади. Қўнғиз 10 кун яшайди холос. Урғочи қўнғиз 32 градусда 126 та тухум қўяди. Эмбрионал ривожланиши 5-16 кунни ташкил этади. Куртлар 15 кундан кўп ривожланмайди. Лекин қулай шароитда бир ҳафтада 8-9 ёшни ўтайди. Зараркунан-

данинг тухумдан ривожланиб то росмана қўнғизга айлангунигача бўлган ривожланиш даври 21 градусда 26 кунгача давом этади. Қўнғиз куртлари 21 градус совуқда 4 соат яшай олади холос. Улар омборхонада сақланаётган буғдой, арпа, сули, макка, шоли, пахта чигити, ун ва макаронларни зарарлайди. Бир мавсумда 5 та авлод беради.

Кураш чоралари:
1. Омборхоналар қвиқфас 56 фоиз табл 1м3 3,0 гр билан зарарсизлантирилади.
2. Омборхоналар бром метил газ билан тўлиқ зарарсизлантирилади.

**А.НАЗАРОВ,
А.ҲАМИДОВ,
“Дўстлик” ЎКЧМ давлат карантин инспекторлари.**

Нўхат қўнғизи

Нўхат қўнғизининг узунлиги 4,0-5,0 мм. Чўзинчок, кенг авал шаклли, танаси қора рангда, кулранг тусли калта ва каттик тукчалар билан қопланган. Қўнғиз жинсий вояга етгунча нўхат гули чанги билан озикланиб, гулга бирмунча зарар етказади. Нўхатга асосан куртлар зарар етказади. Куртлар 1 ёшдан бошлаб, то охириги ёшгача нўхат дони ичида бўлади ва нўхат пўстига тегмай ичидаги магзини ейди.

Бу зараркунанданинг қўнғизи омборда сақланаётган нўхат дони ичида қишлайди. Баҳорда омбордаги ҳарорат 10-12 градус бўлганда қўнғизлар нўхатдан чиқади. Нўхат қўнғизи 3 км дан узоққа учиб бора олмайди. Озиқ бўлмайд қолса, қўнғизлар бир ойдан кўпроқ вақтга очликка чидайди. Экин гуллаш вақтида қўнғизлар нўхат чаноғига тухум қўяди. Битта қўнғиз

20-35 донагача тухум қўяди. Битта урғочиси 222-730 тагача тухум қўйиши мумкин. 1 йилда 1 та авлод беради.

Кураш чоралари:
1. Чет давлатлардан олиб келинадиган уруғлар учун импорт карантин рухсатномаси (ИКР) ҳамда импорт қилаётган давлатнинг фитосанитар сертификати бўлиши шарт.
2. Зарарланган уруғлар бўлса, фумигация қилинади.

3. Бўш омборлар ва камералар 13-16 ҳароратда 3 кеча-кундуз буғланади.

4. Фастафос, 56 % табл-1мл -3,0гр, квиофос, 56% табл 1мл-3гр билан омборхоналар фумигация қилинади.

**М.МЎМИНОВ,
И.АБДУГАНИЕВ,
“Мингтепа” ЎКЧМ давлат карантин инспекторлари.**



● Хидоят

Гўзал хулқ инсон обрўси

Одамлар сизни хатти-ҳаракатингиздан, гўзал одоб-ахлоқингиз ҳамда муомаланингиздан танисинлар. Инсон қанчалик чиройли, қанчайин қўркам бўлмасин, агар унинг юриш туриши, феъл атвори, одоби гўзал бўлмаса, уни комил инсон сифатида эътироф этмайдилар. Холиқ ҳам қалб гўзаллигига қарайди. Хақиқий мўминнинг сифати шуки, у ҳеч кимга на қўлидан, на тилидан озор беради, балки ўз хатти-ҳаракати билан бошқаларга намуна бўлади. Бу ўринда жаноби Расулulloҳ алайҳиссалом ибрат эдилар. Бунга қуйидаги воқеа ҳам яққол далилдир.

“Бир яхудий аёл бозорлик харид қиларкан, юки оғирлигидан бироз қийналди. Унга ҳеч ким ёрдам бермади. Шунда бир киши келиб, “келинг онахон манзилингизга элтиб қўяй”, деб аёлга ҳиммат кўрсатди. Ҳожати чиққан аёл:

– Сенга қандай миннадорчилик билдиришни ҳам билмайман-ми?!” Яхшиси сенга насиҳат

қиламан:

“Ёдингда тут! Маккада бир ёлгончи ўзини пайғамбарман дея бизни ота-боболаримиз динини ёлгонга чиқармоқда экан. Сен ундан узок бўл, уни учратсанг, у билан асло гаплашма”, деди юк кўтарган кишини танимаган аёл.

Шунда: “Мен ўша Муҳаммадман” дея жавоб қилдилар Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам. Бу сўздан ҳамма ёғи титраб кетган аёл бироз сукутдан кейин:

“Сен ҳақингда менга ўзгача хабар етганди. Кўриб турибманки, сенинг дининг аслида одамларга энг гўзал ва пок ишларни ўргатар экан. Мен ҳам сенинг динингни қабул қилдим” дея кўзига ёш олди.

Дарҳақиқат, инсон ўз хулқи билан инсонларни тўғри йўлни топишида сабабчи бўлиши ҳам мумкин.

Материални “Эркабой девона” масжиди имоми Лутфуллоҳон Жаҳонгиров тайёрлади.

● Карантин огоҳлантиради

Хризонтема аскохитоз касаллиги

Бу касалликни асосан замбуруғлар таркатади. Хризонтемани ўсув даврида унинг гул, поя, барг ва илди-з қисмларини зарарлайди. Ўсимлик барглари сўлиб, чир-рий бошлайди ва новдаларида осилиб қолади. Асосий пояда қорамтир-жигарранг доғлар пайдо бўлади. Ўсимлик илди-зида қорамтир доғлари бўлиб, тезда синади. Инфекция манбаи тупроқ ҳисобланади. Эрта баҳорда касалланган тўқималардаги перитеций ҳисобида тарқалади. Замбуруғ перитецийлари юмалоқ, қорангга бўлади. Замбуруғ гул-косабарг, поя ва баргларида на-

моён бўлади.

Кураш чоралари:

1. Чет мамлакатлардан олиб келинадиган гул қўчатлари ва уруғлари учун импорт карантин рухсатномаси (ИКР) ва фитосанитар сертификати бўлиши қатъий талаб этилади.
2. Алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш зарур.
3. Карантин инспекцияси инспекторлари томонидан текширилиб, қандай тадбирларни амалга ошириш кераклиги ҳақида тавсиялар берилади.

Б.ҒУЛОМОВ, А.КЕНЖАЕВ, “Хонобод” ЎКЧМ карантин инспекторлари.

Полиз кўнғизи

Кўнғизнинг катталиги 70-90 мм, кенг авал шаклда, ранги қизил-кўнғир, қанотининг ҳар бирида 6 тадан қора доғи бор. Полиз экинларида, ўсимлик қолдиқларида, баргларида, пичанлар тагида кўнғиз фаза-сида кишлайди. Эрта баҳорда кўнғизлар уйғониб, қовоқгулли ўсимликлар билан озиқланади. Барглари этини орқа томонидан еб, томирларини қолдиради. Баргларида орқа томонига туб-туб қилиб 20-40 тадан тухум қўяди. Кўнғиз ҳаёти давомида 150 тагача тухум қўйиши мумкин. 3-4 кунда тухумдан қуртлар чиқади. Улар барг этини еб, тешикчалар ҳосил қилади. Полиз кўнғизи бир йилда 3 марта авлод беради.

Кураш чоралари:




1. Ерни чуқур шудгорлаш керак.
2. Бегона ўтларни ўз вақтида йўқ қилиш зарур.
3. Корбофоснинг 30 % э.м.к.1-2л/га, фосфомид 40 % э.м.к. 1,0-1,5 л/га.
4. Махсус тавсияномалар берилган кимёвий воситалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Х.ОТАЖОНОВ, Э.ЭРКАЕВ, “Мингтепа” ЎКЧМ давлат карантин инспекторлари.

Куйдирги ўткир, шиддатли кечадиган юкумли касаллик бўлиб, кишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари ҳамда одамлар орасида учрайди. У ўта хавфли юкумли касалликлар тоифасига киради. Касаллик кўзгатувчи микроб

– *Bacillus anthracis* ўлган ҳайвон организмидан ва оксилли муҳитда капсула ҳосил қилади. Кислородли муҳитда, яъни ташқи муҳитда спора ҳосил бўлади. Капсула шаклининг ташқи муҳитга нисбатан чидамлилиги турлича бўлади, 55 градусда 40 дақиқадан сўнг, 60 градусда 15 дақиқадан сўнг, 75 градусда эса 1 дақиқа, қайнатилганда бир зумда ўлади, паст ҳароратда (-14 градус-да) 12 кунгача тирик қолади. Куёш нури остида куйдирги таёқчалари 8 соат, ўлик организмда эса 3 кунгача тирик сақланади. Спора шакли ташқи муҳитга, дезинфекцияловчи моддаларга ва юқори ҳароратга чидамлидир. Қуритиш спорага таъсир қилмайди – 55 йилгача сақланади. Гўшт ва тери тузланганда, қуритилганда ва қотирилганда ҳам спора сақланиб қолади. 110 градусда 5-10 минутда, қайнатилганда 1 соатда ўлади. Споралар сувда йиллаб, тупроқда ўн йиллаб ўлмайди.

Кечиши ва клиник белгилари: Касаллик турли хил ҳайвонларда турлича кўринишда бўлиб, ўзига хос клиник белгилари билан кечади. Касалликнинг яширин даври 1-3, баъзан 8 кун давом этиши мумкин. Касаллик шиддатли, ўткир ва ярим ўткир ҳолатларда кечади. Қорамоллар касалланганда дастлаб тана ҳарорати 40-45 даражада кўтарилади, мускуллари қисқаради, томир уриши тезлашиб, нафас олиши қийинлашади, қалтираш ҳолати кузатилади ва ҳайвон ҳолсизланади. Нафас олганда хириллаш пайдо бўлади, қорни шишиб кетади, ичак-



дан ахлат билан қон аралаш суюқлик ажралади, қон сийиши ҳолатлари кузатилиб, натижада ҳайвон ўлади. Эпизоотологияси. Куйдирги касаллиги билан қўй-эчкилар, қорамоллар, буғи, йилки, ёввойи ҳайвонлар ва одамлар касалланади. Касаллик кўзгатувчи манба касал ҳайвон ҳисобланади. Улар ўз навбатида касаллик кўзгатувчисини ташқи муҳитга сийдик, ахлати орқали таркатади. Одамлар асосан тери қабул қилиш жараёнида, жун қабул қилиш пунктларида, тери ошлаганда, қассоблар эса молни сўйганда, касал ҳайвондан олинган маҳсулот яхши пиширилмасдан истеъмол қилинганда касалликни ўзига тез юктиришлари мумкин. Касаллик кўзгатувчиси сўлак, сийдик, ахлат ва сут орқали ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Шу тариқа ташқи муҳит (тупроқ, ҳашак, сув ва х.к.) касаллик кўзгатувчисини таркатадиган омилга айланиб қолади. Куйдирги касал-

лигини келиб чиқиши ва тарқалишига куйдиргидан ўлиб, назоратсиз қолиб кетган молларнинг жасади сабаб бўлади ва ёмғир сувлари орқали янада кенгроқ масофага тарқалади. Ҳар хил чивин ва пашшалар ҳам касаллик тарқатишига омил бўлади. Бундан ташқари куйдиргидан ўлган ҳайвонлар қўмилган жойларда янги каналлар қазииш, ер ишлари бажариш, йўллар, аҳоли пунктлари, шаҳарлар қуриш орқали ҳам касаллик тарқалиши мумкин. Касалликнинг тарқалишига ер қазувчи кемирувчилар, сув, шамол эрозияси, сув тошқинлари, сел ва табиғатдаги бошқа офатлар ҳам сабаб бўлади. Хурматли ҳамюртлар, хонадонингизда боқилаётган ёки бозордан келгусида сотиб оладиган ҳайвонларингизни “КУЙДИРГИ” касаллигига қарши профилактик эмлатишни унутманг!

Ш.МИРКОМИЛОВ, туман ветеринария бўлими эпизоотолог вақчи.

Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида умумий тушунча

Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яради. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий рол ўйнайди.

Аҳолини рўйхатга олиш — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида

ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

аҳолини рўйхатга олиш санаси — аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат);

респондентлар — аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

рўйхатга олиш варағи — кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка;

рўйхатга олиш хужжатлари — аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли хужжатлар мажмуи;

рўйхатга олувчи ходимлар — Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари;

уй хўжалиги — битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмалиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин.

И.СОТВОЛДИЕВ, Хўжабод тумани статистика бўлими бошлиғи.

● Долзарб тадбир

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш натижалари нима беради?

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва прогнозлаш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аҳоли тўғрисида ишончли ва ҳолис ахборотларни олиш ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида, аҳоли таркибидаги, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;
- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ва дастурларини тайёрлаш;

- аҳолини рўйхатга олиш даври ораллигидаги аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тайёргарлик жараёнидаги энг муҳим масала, аҳолини рўйхатга олишда фаол иштирок этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип

ва шиорлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади.

Беғижон СУЛТОНОВ,
Бўстон тумани Статистика бўлими бошлиғи.

● 2024 йил 1 мартдан бошлаб:

Эндиликда қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган ижара ҳуқуқини сотиш мумкин

2024-йил 1-мартдан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат этилади.

Бунда:

шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда ўтказилади;

ижарага олувчи ерга ижара ҳуқуқини ўтказишдан олдин ундан камида 3 йил, 2021-йилгача ҳоким қарори билан олган бўлса, камида 5 йил давомида ўзи фойдаланган бўлиши керак;

ижарага олувчи аукцион ёки очик электрон танлов натижасига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қўшимча тўлов мажбуриятларини тўлиқ бажар-



ган бўлиши шарт;

юридик шахслар ўзларига тўғридан тўғри равишда ижарага берилган ер участкаларини ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 5 йилдан кейин бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин.

Материални Хўжабод тумани Адлия юридик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Санжарбек РАҲИМОВ тайёрлади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, суғурта ташкилотларидан ташқари), тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари:

1. “Ташкилот фаолияти тўғрисида”ги “12-корхона шакли” ойлик ҳисоботини 2024-йил 5-февраль санасидан кечиктирмай;

“Меҳнат ҳисоботи” ни “1-меҳнат шакли” йиллик ҳисоботини 2024-йил 1-февраль санасидан кечиктирмай;

2. Фермер хўжаликлари томонидан тақдим этиладиган:

“Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот” “1-фх шакли” йиллик ҳисоботини 2024-йил 27-февраль санасидан кечиктирмай;

3. Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этиладиган:

“Микрофирма ва кичик корхоналар фаолияти тўғрисида”ги “1-кб шакли” йиллик ҳисоботини 2024-йил 27-февраль санасидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (74) 741 16 75

Хўжабод тумани статистика бўлими.

* ЭЪЛОНЛАР * ЭЪЛОНЛАР *

Мустаҳкам маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 2.04.1997 йилда вафот этган марҳум **Тиллаев Аҳмаджоннинг**, Қорабулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 26.08.2005 йилда вафот этган марҳум **Бойбўтаева Хосиятхоннинг**, Қорабулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 5.11.2020 йилда вафот этган марҳум **Юлдашев Алишер Дехқоновичнинг**, Бобур маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 30.01.2021 йилда вафот этган марҳум **Юлдашева Одинахон Джурсавнанинг**, Бобур маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 14.10.2015 йилда вафот этган марҳум **Қодирова Кимсанхоннинг**, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 12.07.2003 йилда вафот этган марҳум **Султонов Шаробиддиннинг**, Хидирша маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 30.10.1995 йилда вафот этган марҳум **Туланов Икромнинг**, 14.03.2023 йилда вафот этган марҳум **Турабеков Обиджон Азимжоновичнинг**, Чимбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 5.02.2023 йилда вафот этган марҳум **Жабборов Марифжон Маҳкамовичнинг**, Янги фарғона маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 17.08.2022 йилда вафот этган марҳум **Бобораҳимов Одилжон Қузиевичнинг**, Навбахор маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 13.08.2023 йилда вафот этган марҳум **Мамадалиев Умматалининг** мерос-мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1116-моддасига асосан мерос очилаётганлигини маълум қилиб, Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 49-50-51-моддасига асосан барча меросхўрлардан марҳумдан қолган мулклардан мерос тариқасида ўзларига ўтиши мумкин бўлган ҳиссаларини расмийлаштириш ёки ўз хоҳишларига мувофиқ меросдан воз кечишлари ҳақида ёзма ариза бериш учун Хўжабод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Л.Мирзаалимовга** шахсини тасдиқловчи (паспорт) ҳужжатлари билан эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида келишларини сўраймиз.

Бобур маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 01.08.2021 йилда вафот этган марҳум **Қарабаев Каримнинг**, Уч қўча маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб, 19.02.2015 йилда вафот этган марҳум **Юлдашев Мамаджоннинг** мерос-мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1116-моддасига асосан мерос очилаётганлигини маълум қилиб, Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 49-50-51-моддасига асосан барча меросхўрлардан марҳумдан қолган мулклардан мерос тариқасида ўзларига ўтиши мумкин бўлган ҳиссаларини расмийлаштириш ёки ўз хоҳишларига мувофиқ меросдан воз кечишлари ҳақида ёзма ариза бериш учун Хўжабод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Ш.Мухиддиновга** шахсини тасдиқловчи (паспорт) ҳужжатлари билан эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида келишларини сўраймиз.

Дехқон ва фермер хўжаликлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 106 сонли қарори ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 11 январь кунги №06/22-04/77-сонли хатида кўрсатиб ўтилган топириқлардан келиб чиқиб, 2024 йилда супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик сабзавот, полиз, мойли, дук-какли, пахта, озуқа ва бошқа экинлар уруғчилиги етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун субъектлар ўртасида танлов ўтказилади.

Пахта уруғчилиги бўйича тендер танлови шу йилнинг 10 февраль куни туман қишлоқ хўжалиги бўлими биносида соат 10:00 да ўтказилади.

Тендер танловида қатнашмоқчи бўлган фермер хўжаликлардан ҳужжатлар 2024 йилнинг 8 февраль кунигача қабул қилинади.

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими.

Хўжабод туманида фаолият юритиб келаётган якка тартибдаги тадбиркор “Otaboev Alisher Nishonboevich”га тегишли йўқолган думалоқ муҳр бекор деб ҳисобланди.

Хўжабод туманида фаолият юритиб келаётган “G'OFUR OTA QUVONCHI” масъулияти чекланган жамиятига тегишли йўқолган думалоқ муҳр бекор деб ҳисобланди.

Хўжабод туманида фаолият юритиб келаётган “ABDULAZIZ ULKAN XIRMONI” масъулияти чекланган жамиятига тегишли йўқолган тўртбурчак тамга ва думалоқ муҳр бекор деб ҳисобланди.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

HAQIQAT

Муассис:
Хўжабод
тумани
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир
Толибжон
ШЕРМАТОВ

Газета Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 9 февралда **04-032** тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририятнинг компьютер марказида териблиб, саҳифаланди. Гувоҳнома 12-4065. «Андижон нашриёт-матбаа» МЧЖда А-3 қолипда, 500 нусхада, офсет усулида чоп этилди. Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 71-уй. Индекс: 64715. ISSN 2181 - 6905

Манзил: Хўжабод шаҳри, Узун қўча кўчаси, 10-уй. Телефон: 74-74-1-14-94

Навбатчи ва саҳифаловчи
Н.ТОШТЕМИРОВА.

Буюртма №000111
Баҳоси келишилган нархда.
Газета босишга
соат 17.00. да берилди.
(т. тижорат материали)